



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2021
1/5**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д, проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д, проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2021

МУНДАРИЖА

Тарих

Аллаберганова Ш., Қурбонов Н. Ғарбий Ўзбекистондаги сейсмик жараёнлар тарихи.....	4
Алланазаров М. Бухоро иқтисодий кенгаши ва маҳаллий кадрлар тайёрлаш масалалари.....	7
Бозоров З. Ўзбек жангчиларининг 1942 йил фронтларда кўрсатган қаҳрамонликлари.....	10
Бўриев С. Сурхон-Шеробод воқасини ўзлаштиришда сув тармоқларининг ўрни.....	14
Doniyeв S. Historical stages of formation of socio-political relations between Uzbekistan and India.....	19
Қурбонов Н., Тошкент zilzilasi тарихи: матонат ва сабот.....	22
Нарзиев Н. Ўзбек мулоқот маданиятида меъерий мезон тушунчасининг этнолингвистик таҳлили.....	25
Sobirov J. Secrets of military art in "Boburnoma".....	30
Турсунов Р. Туркистон минтақасида метеорология ва иқлим ўзгаришлари тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошларида).....	32
Холмирзаева М. Миллий манфаатнинг мафқуравий хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўрни.....	37

Фалсафа. Педагогика. Методика. Социология

Азимқулов С. Таълим жараёнини инновацион педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган ўқитиш усул ва технологиялари.....	41
Акбарова М. “Кимё” курсини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари.....	44
Акрамова Х. Олий таълим муассасаларининг халқаролаштириш муаммосини ўрганишда ECTS кредит-модуль тизимининг аҳамияти.....	47
Aliyev B. Umumta’lim maktablarining biologiya darslarida interfaol ta’lim metodlarini qo’llashning samaradorligi.....	50
Алтынская К. Понятие преподавательства в Турции.....	53
Arifjonova U. O’smirlik davrida deviant xulq-atvorga moyillik shakllanishining ijtimoiy-psixologik jihatlarini.....	58
Ahmadaliyeva Kh. The peculiarities of developing pupils’communicative competence via negotiated interaction in TBLT at academic lyceum.....	61
Akhmedov A. Davlat бошқаруви органлари фаолиятида “Рақамли ҳукумат”нинг ўрни.....	64
Ахмедов Х. Маънавий кадрларга хурмат – тараққиёт жараёнининг муҳим омили.....	69
Бакиева М. Қиз болаларда ижтимоий фаол шахс сифатларини тарбиялашнинг методик хусусиятлари.....	73
Болтаев А. Волейболда сакрашларнинг техник қобилиятларини шакллантириш механизмлари.....	77
Davlatova F. Avtomatlashtirilgan ishlab chiqarish tizimlarini matematik modellashtirish.....	82
Дадабоев Р. Жисмоний тарбия дарсларида бошланғич синф ўқувчиларининг ахлоқий сифатларни шакллантириш мазмунини белгилашнинг педагогик талаблари.....	85
Жўраев Р., Тўхтасинов Б. Ўзбекистон сиёсий маконининг ҳудудий тавсифланиши.....	88
Juraeva N., Abduraimov J., Xoldarova F. Maktab geometriya kursini o’qitishda interfaol texnologiyalardan foydalanish.....	92
Isafov A. Raqamli texnologiyalarni qo’llash asosida tasviriy san’at darslarini tashkil etish va o’tkazishga doir o’quv materiallarini strukturalashtirish.....	95
Исмаилова М. Strategic competence and its role in foreign language teaching.....	99
Kadixodjaeva D. Issues on developing digital literacy of students under the introduction of digital educational environment.....	102
Камбаров Н. Шарқ яққакурашлари таълимотлари орқали ёшларни баркамол шахс этиб тарбиялаш.....	105
Қиличев Ф. Экологик маданият вариацияси ва статикаси.....	109
Миришарипова З. Отношение к курению студентов ПГТУ имени Ислама Каримова.....	112
Надирова З., Элчаев З. Интуиция ва синергетикада уйғунлик.....	115
Норқўзиева Д. Ўсмирлик даврига хос агрессив хулқнинг психологик таҳлили.....	118
Омонов Б. Экологик глобаллашув ва унинг ижтимоий жараёнлар глобаллашуви тизимидаги ўрни.....	122
Pardayeva G. Axborot texnologiyalari sohasida masofaviy ta’limni takomillashtirishga oid dastruiy vositalar yaratish metodikasi.....	126
Равшанова Р. Масофали мурожаат ва унинг прагматик параметрлари.....	129
Raxmatov D. Oliy ta’lim muassasalari talabalarining basketbol sport turidan foydalanishda texnik malakalarini shakllantirish.....	132
Салихов О. Искусство авангарда на примере художественного музея Нукуса.....	136
Секерова А., Разакова М. Эвфемистическая репрезентация концепта “poverty” в художественном тексте.....	139
Ходжаниязов С. Нажмиддин Кубро ва Паҳлавон Маҳмуд тасаввуфий қарашларида шахс фазилатлари ва иллатларига нисбатан турлича ёндашувлар.....	144
Xolbozorov Q. “Iqtisodchilar uchun matematika” fanini o’qitishda Geogebra dasturining qulayliklari.....	147
Худайбердиева Х., Рахмонов Б. Миллатлараро муносабатлар ривожидида санъатнинг эстетик роли.....	151
Ҳайтова Н. Геймификациядан фойдаланиш орқали бошланғич синф ўқувчилари мотивациясини ривожлантириш.....	155
Эргашева М. Та’лимнинг o’z-o’zini tashkillashtirish jarayonidagi ahamiyati.....	158
Эрнарзоров Ш. Миллий ғояни тарғиб қилишда Алишер Навоий асарларининг аҳамияти.....	162

Филология

Ашурова Н. Аёл руҳиятининг ранги.....	166
Бахронова М., Тураева Х. Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асаридаги касаллик турлари ва уларнинг лисоний тавсифи.....	169
Жалолова Ф. Лингвокультурологик аспектда концепт тушунчаси. “Ўғай она” концепти.....	173
Камилова Д. Терминлар ўрганилишига доир назарий таҳлиллар.....	176
Курбаназарова Н. Совчилик билан боғлиқ удумларда стереотипик характер (“Алпомиш” достони мисолида).....	179
Qarshiyeva Sh. Navoiy muammolarining g’oyaviy-badiiy xususiyatlari.....	183
Медетова Г., Ахмедова М. Issues on the verbs expressing positive emotional attitude in English.....	186
Сатторова З. “Девону луғати-т-турк” асари ва унинг янги нашрлари.....	189
Соатова Г. “Маориф ва ўқитувчи” журнали – адабий манба сифатида.....	194
Тўхтабоева М. Боту шеърлятидаги такрорий бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятлари.....	197
Xoliqova D. Xronotop adabiy asarning badiiy birligidir.....	200
Чориева Ш. Ричард Олдингтон ва Вера Бриттен асарларидаги “Аёл образи”нинг бадий-фалсафий таҳлили.....	203



Рўзимат ЖўРАЕВ,

сиёсий фанлар доктори

Наманган давлат университети профессори в.б.,

Бобомурод ТўХТАСИНОВ,

Наманган давлат университети ўқитувчиси

E-mail: Tukhtasinov2020.mail.ru

TERRITORIAL DESCRIPTION OF THE POLITICAL PLACE OF UZBEKISTAN

Annotation

In this article, the territorial classification of the political space of Uzbekistan, in particular, the central and local representative authorities. Political relations between the center and the regions, their importance in the national political space. Territorial classification of political space, along with a systematic study of political reality, focuses on new methods, a more in-depth study and analysis of the political system.

Key words: political space, "center-regions", political geography, "geopolitics", rule of law, political parties, social movements, local authorities, "public policy", political process.

ТЕРРИТОРИАЛЬНОЕ ОПИСАНИЕ ПОЛИТИЧЕСКОГО МЕСТА УЗБЕКИСТАНА

Аннотация

В данной статье представлена территориальная классификация политического пространства Узбекистана, в частности, центральные и местные представительные органы власти. Политические отношения между центром и регионами, их значение в национальном политическом пространстве. Территориальная классификация политического пространства, наряду с систематическим изучением политической реальности, делает упор на новые методы, более глубокое изучение и анализ политической системы.

Ключевые слова: политическое пространство, «центр-регионы», политическая география, «геополитика», верховенство закона, политические партии, общественные движения, местные власти, «публичная политика», политический процесс.

ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ МАКОННИНГ ХУДУДИЙ ТАВСИФЛАНИШИ

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон сиёсий маконининг ҳудудий таснифланиши, хусусан марказий ва маҳаллий вакиллик бошқарув органлари. Марказ ва ҳудудлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар, уларнинг умумдавлат сиёсий маконидаги аҳамияти. Сиёсий маконни ҳудудий таснифлаш, сиёсий воқеликни тизимли ўрганиш баробарида, янги услублар, сиёсий тизимни янада чуқурроқ ўрганишга ва таҳлил қилишга аҳамият қаратилган.

Калит сўзлар: сиёсий макон, «марказ-ҳудудлар», сиёсий география, «геосиёсат», ҳукуқий давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, маҳаллий ҳокимиятлар, «оммавий сиёсат», сиёсий жараён.

Кириш. Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистон жаҳон сиёсий харитасидаги янги миллий сиёсий тизимга айланди. Ушбу тизимнинг самарали фаолияти унинг элементлари ва даражалари ўртасидаги муносабатларнинг тўғри ташкил этилишига бевосита боғлиқлиги тобора кўпроқ намоён бўлиб бормоқда. Марказ ва ҳудудлар ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг институционаллашуви, яъни ҳудудий сиёсий тизимларнинг шаклланиши, уларнинг умумдавлат сиёсий маконидаги ролининг ошиб бориши сиёсий тараққиётнинг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда. Сиёсий маконни ҳудудий таснифлаш, сиёсий воқеликни тизимли ўрганиш баробарида, янги услублар, хусусан институционал ёндашиш, сиёсий тизимни янада чуқурроқ таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш имконини беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ўзбекистон парламентида ҳудудий вакиллик палатасининг жорий этилиши ҳудудларнинг сиёсий ҳамжамиятга айланиши ва мамлакат сиёсий маконида фаол амал қилиши учун қулай замин яратди. Лекин, мамлакат сиёсий тизимининг ривожланишини ўрганишда мазкур жараёнлар ҳар доим ҳам ўз аксини топаётгани йўқ. Айтиш жоизки, бундай ҳолат нафақат Ўзбекистон, балки айрим бошқа мамлакатлар учун ҳам хос бўлиб, у миллий сиёсий тизимнинг негизида сиёсий ҳокимият, давлатнинг яхлитлиги ётиши билан изоҳланади. Испан олими Л. Санистебан замонавий миллий давлат хусусиятларини

умумлаштириб, унинг ўрта аср институтларидан сиёсий ҳокимиятнинг марказлашуви ва ўз ҳудудий соҳасини аниқ ажратиши билан фарқланишини таъкидлайди. Ҳудуднинг яхлитлиги ягона сиёсий маконни эътироф этишга сабаб бўлмоқда. Шу жиҳатдан, ҳудудларнинг сиёсат субъектига айланиш жараёни муаммоли қабул қилинмоқда.

Ҳудудий ҳамжамиятларнинг миллий сиёсатдаги ўрнига бўлган муносабат уларнинг етарли даражада ўрганилмаганлиги, ҳаттоки, бу масала бўйича қарам-қарши нукта назарлар изҳор этилаётганлиги билан баҳоланиши мумкин. Масалан, бир манбанинг ўзида «давлатчилик марказга интилувчи тенденциялар билан шартланган бўлса, ўз-ўзини бошқариш, аксинча, марказдан кетувчи тенденцияларни акс эттириши» ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни жамиятда интеграциялаштирувчи фактор ролини ўйнаши кўрсатилади. Улар ҳудудий ҳамжамиятларни давлатнинг яхлитлиги, кучли сиёсий тизим мавжудлигидан манфатдорлигини таъкидлашади. Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг қонунлар асосидаги фаолияти яхлит мамлакатни алоҳида суверен князликларга бўлинишига сабаб бўлувчи марказдан кетувчи жараёнларга қарши мустаҳкам тўсиқ бўла олиши мумкинлиги таъкидланмоқда.

Айтиш лозимки, марказга интилувчи ва марказдан кетувчи тенденцияларнинг бирлиги ва кураши дастлаб социум табиатида мавжуд бўлиб, жамият сиёсий тизимига ҳам тегишлидир. Давлат жамият сиёсий тизимида турли

алоқаларни таъминловчи ҳудудий жамоалар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш мавжудлиги ва ривожланишидан манфаатдор бўлиши лозим. Чунки давлат ўз вазифаларини амалга ошириш “асири” бўлиб қолганида, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш жойлардаги муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим воситаси сифатида хизмат қилади. Шу жиҳатдан, ўз-ўзини бошқаришнинг юксак салоҳиятидан ҳали ҳам етарлича фойдаланилмаётганини қайд этиш мумкин. Маҳаллий репродукцентлар асосида шаклланган ва маҳаллий аҳамиятга молик масалалар хусусияти туфайли, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш оперативроқ характерга эга бўлади. Бу ҳолат “марказ-худудлар” муносабатларини, ҳудудий жамоаларни сиёсий жараёнлардаги ролини янада чуқурроқ ўрганишни тақозо қилмоқда.

“Марказ-худудлар” муносабатларининг давлат ҳудудий-сиёсий тузилиши орқали ўрганилиши бу соҳада кечаётган сиёсий жараёнларнинг объектив акс этишига имкон бермаётгани аён бўлмоқда. Мазкур жараёнда ҳудуд аҳолисига эмас, балки ҳудудий ҳокимият органларига давлат органлари ёки сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш институтлари сифатида қаралмоқда. Шу сабабли, ҳудудий манфаатлар, марказ ва ҳудуд ўртасидаги миллий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа асослардаги зиддиятлар, марказдан кетувчи тенденциялар, уларни ҳал қилиш масалаларига етарли даражада эътибор берилмаётган. Ушбу масалаларни жиддий ўрганиш учун сиёсий география, иқтисод, ўлкашунослик, социология, политология, ҳуқуқшунослик каби фанларнинг салоҳиятини умумлаштириш зарурати тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. Сиёсий минтақашуносликнинг илмий майдонга кириб келиши мавжуд муаммоларни самарали ечиш учун муайян имкониятлар яратаётган бўлса-да, лекин мазкур фан Ўзбекистонда ҳали тўлиқ шаклланиб бормайди.

Халқаро сиёсий муносабатлар алоҳида “геосиёсат” фани доирасида ўрганилаётган бўлса-да, сиёсатда “макон” масаласига бўлган муносабат айрим тадқиқотчилар томонидан ўринли танқид қилинмоқда. Масалан, эътиборли ўзбек олими Т. А. Жўраевнинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, маконга шунчалик бир жонсиз физик-географик омил сифатида қаралмоқдаки, илмдаги бу кемтиклик, энг аввало, халқаро сиёсатда, айниқса унинг амалдаги кўриниши бўлмиш геосиёсатда барқарорлаштиришдан кўра, турли жойларда нотинч ва зиддиятларга сабаб бўлмоқда. У маконнинг ижтимоий-географик ҳолатидан сиёсий омил даражасига кўтарилганлиги тўғрисида гапирар экан, тўғрироғи маконнинг ҳаддан зиёд “сиёсийлашганлигини”, яъни бошқа параметрларидан фарқли ўлароқ, унинг “сиёсий жиҳати” биринчи ўринга чиқаётганлигини таъкидлайди.

Ўзбекистон ва айрим бошқа давлатларда ҳудудий жамоаларнинг етарли даражада ўрганилмаганлиги, уларнинг мавжуд эмаслиги ёки сиёсат субъекти сифатида фаолият юритмаслигини англабмайди. М. Н. Грачев ва Ю. В. Ирхин таъкидлаганидек, “конкрет вақтда сиёсий фаолият кўрсатмаётган, лекин ўзининг амалга оширилган ва ошириладиган ҳаракатлари билан сиёсий мақсадларга эришиш қобилиятини сақлаш ва шакллантиришга қодир бўлган йиғма ижтимоий гуруҳлар сиёсат субъекти сифатида эътироф этилиши мумкин”. Йиғма субъект бўлган ижтимоий гуруҳлар иккига, яъни катта ва салоҳиятли ижтимоий гуруҳларга ажратилади. Катта ижтимоий гуруҳлар – синфлар ва қатламлар, халқлар, миллатлар; салоҳиятли ижтимоий гуруҳлар – инсонларни демографик, ҳудудий, таълим, ишлаб чиқариш, касбий ёки корпоратив белгилар асосида бирлаштиради. Агар ушбу нуктаи назардан келиб чиқилса, Ўзбекистон шароитида вилоятдан тортиб то фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органларигача аҳоли тегишли ҳокимият органларини шакллантириш, улар фаолиятида иштирок этиши туфайли сиёсат субъекти бўлган ҳудудий жамоа сифатида эътироф этилиши мумкин.

Тадқиқот методологияси. Ҳудудий жамоаларнинг фаоллиги улар томонидан шакллантирилган ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятига бевосита боғлиқдир. Бундай институтлар, ҳоҳ ижтимоий, ҳоҳ сиёсий бўлсин, ижтимоий гуруҳларга сиёсат соҳасида ўз манфаатларини тартибли қондириш имконини беради. Улар муносабатларни барқарорлаштириб, индивидлар ва гуруҳлар юриш-туришини тартибга солиб, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиради ва интеграциялашувини таъминлайди. Ижтимоий институтлар, аввало, муассасалар тизими бўлиб, уларда ижтимоий гуруҳ аъзолари томонидан тайинланган ёки сайланган муайян шахслар жамият ва индивидлар манфаатларини қондириш, шунингдек гуруҳнинг бошқа аъзолари юриш-туришини тартибга солиш мақсадида умумий бошқарув функцияларини бажариш ваколатини оладилар. Ўзбекистон амалиётида бундай институтлар қаторига маҳалла фуқаролар йиғинлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини киритиш мумкин. Шу жиҳатдан, ижтимоий институтлар мониторинг ва назоратнинг у ёки бу муносабатлар тизимини ташкил этувчи муассаса ёки муассасаларнинг яхлит функционал тизимини ташкил қилади.

Сиёсий институтлар эса, сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш ёхуд уни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашни, шунингдек сиёсий ахборотни узатиш, ҳокимият билан сиёсатнинг бошқа соҳалари ўртасидаги ҳамкорлик жараёнини ташкил қилувчи муассаса ёки муассасалар тизимини ташкил қилади.

Айрим ўзбекистонлик олимлар томонидан сиёсий тизим институтлари қаторига фақат давлат, сиёсий партиялар ва манфаат гуруҳлари киритилади. Ушбу муносабат билан М. Қирғизбоевнинг фикрини маъқўллаган ҳолда таъкидлаш мумкинки, манфаат гуруҳлари сиёсий ташкилот эмас, балки уларга таъсир қилувчи институтдир. Маҳалла фуқаролар йиғини, хусусий уй-жой мулкдорлари манфаат гуруҳларини ташкил этиши мумкин. Лекин айтиш лозимки, муайян ижтимоий инкирозга рўпара келганда ёки миллат бирлигини талаб қилувчи бошқа ҳолларда нафақат бирорта кичик, аҳоли зич яшайдиган ҳудуд, балки минтақа, гоҳида бутун мамлакат ягона манфаат гуруҳига айланади.

Ф. Мусаев сиёсий институтлар ва ташкилотларга ҳақли равишда қуйидагиларни киритади:

- ҳуқуқий давлат;
- сиёсий партиялар;
- ижтимоий ҳаракатлар;
- маҳаллий ҳокимиятлар;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ҳоказолар.

Мазкур таснифни янада аниқлаштириб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деганда, шаҳарча ва қишлоқ фуқаролар йиғинларини тушуниш ва мазкур ташкилотларни маҳаллий ҳокимият, уларнинг жамоаларини эса, сиёсат субъекти сифатида эътироф этиш сиёсатнинг ҳудудий тизимларини ташкил этишдаги илк қадамлардан бўлиши мумкин.

Бугунги кунда ҳудудий жамоаларнинг сиёсат субъекти сифатида фаолашмаётгани, ўз манфаатларини амалга оширадиган – маҳаллий ҳокимиятнинг мавжудлиги ҳудудларни сиёсий тизимга айланаётганлигини кўрсатмоқда. П. Шаран таъкидлаганидек, нафақат давлат, балки шаҳарда ҳам унинг сиёсий жамоаси (аҳолиси), сиёсий ҳокимияти,

режими ва ҳудуди билан сиёсий тизим сифати бўлиши мумкин. М. Н. Нишанов ва К. В. Джаваковалар сиёсий тизимни таснифлашнинг ташкилий-сиёсий (сиёсий ҳаётда централизм, плюрализм, демократизмнинг даражаси – Ж. Р.) асосларини алоҳида кўрсатишган. Уларнинг таснифи муфассал бўлмасда, юқоридаги таҳлиллар асосида ундан давлатнинг ҳудудий сиёсий ташкил этилишига қараб – миллий ва маҳаллий сиёсий тизимларни белгилаш мумкин деган хулоса чиқади.

Миллий сиёсий макон муайян ҳудудда халқ ҳокимиятини ифода этадиган бўлинмас оммавий ҳокимият давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади. Бу ҳудудий сиёсий тизимларнинг миллий манфаатларни амалга оширишда яхлит сиёсий тизимнинг таркибий қисми сифатида мавжудлигини англатиши баробарида, халқ ҳокимиятини янада кенгроқ амалга ошириш мақсадида оммавий бошқарувни оптималлаштириш, яъни ҳудудий меҳнат тақсмоти асосида индивидлар ва ҳудудий жамоаларнинг давлат ва ўз ҳудудидаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни нисбатан мустақил ёки бевосита иштирокида ҳал қилиш фаолиятини назарда тутати. Айнан ушбу жараён сиёсат тушунчасини акс эттирсан-да, унинг “оммавий сиёсат” деб номланиши сиёсатга бўлган турли қарашларни умумлаштириш имконини беради. Сиёсатга бўлган турли ёндашувлар умумлаштиришда, уларнинг барчаси “ижтимоий гуруҳлар ва индивидларнинг қарама-қарши бўлган ўз манфаатларини артикуляция қилиш (англаш ва ифода этиш), давлат ёрдамида амалга ошириладиган бутун жамият учун мажбурий бўлган қарорларни ишлаб чиқиш”ни англатишини кўрсатади.

Бугунги кунда “оммавий сиёсат”ни халққа яқин, очиқ сиёсат, “қарор қабул қилишда фуқаролар иштирокини таъминлаш жараёни” ва бошқа таснифларини ҳам ҳудудий жамоалар иштироки нуктаи назаридан аниқлаштириш мақсадга мувофиқ кўринади. Зеро, халқ ҳокимияти, яъни оммавий ҳокимиятни амалга ошириш жараёни давлат ва маҳаллий ҳокимият органларини шакллантиришда, уларнинг фаолиятида, яъни сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини назорат қилишда фуқаролар, уларнинг уюшмалари, жумладан ҳудудий жамоаларнинг иштироки “оммавий сиёсат” мазмунини ташкил қилади. Бундай ёндашув сиёсат соҳасини кенгайтириб, унга нодавлат ташкилотларни киритиш ва жамият жипслашувини таъминлашга хизмат қилади. Демак, Ўзбекистондаги илмий мулоқотга “оммавий сиёсат” тушунчасини киритиш сиёсатнинг асл мазмунига мос сиёсий жараённинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш учун мустаҳкам назарий асосни яратиш беради.

Таҳлил ва натижалар. “Сиёсий жараён – сиёсий тизим фаолиятининг шаклидир. У сиёсий тизимнинг

вужудга келиши, амал қилиши, янгиланиши ва инкирозли ҳолатларини унинг барча таркибий қисмлари, алоқалари, таъсири, ҳаракати жараёнида ўрганиш, аниқ ва яхлит тасаввур қилиш имконини беради”. Чунки сиёсий жараён кетма-кет келадиган, бир-бири билан ички боғлиқ сиёсий воқеалар ва ҳодисаларнинг занжири, шунингдек сиёсат субъектларининг жамиятда сиёсий ҳокимиятни эгаллаш, ушлаб туриш, мустаҳкамлаш ва ундан фойдаланишга қаратилган кетма-кет ҳаракатларнинг йиғиндисини ташкил қилади. Сиёсий жараён – бу аниқ сиёсий мақсадларни кўзлаган ижтимоий жамоалар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва гуруҳлар, алоҳида шахсларнинг кетма-кетликда амалга ошириладиган фаолиятининг йиғиндисидир; тор маънода – сиёсатнинг ижтимоий ва институционал субъектларининг муайян вақт мобайнида сиёсий қарорларни амалга ошириш юзасидан мақсадли ва ўзаро боғлиқ фаолиятидир.

Айтиш мумкинки, сиёсий жараён мавжудлигининг шакли – бу сиёсий ўзгаришлардир. Сиёсий ўзгаришлар манбалари ва шакллари кўпқирралилиги сиёсий ҳодисалар мавжудлигининг қуйидаги шаклларида намоён бўлади: фаолият кўрсатиши, ривожланиши ва таназзулга учраши. Сиёсат мазмунининг “оммавий сиёсат” тушунчасида умумлаштирилиши ва ифода этилиши, сиёсий ҳодисаларнинг ривожланиши, яъни халқ ҳокимиятчилигини янада кенгроқ рўёбга чиқишига хизмат қилади. Оммавий сиёсатни юритиш оммавий ҳокимият органларига жамиятда мавжуд манфаатларни кенгроқ ибодатга олиш, уларни оператив рўёбга чиқариш, замон талабларига жавоб беришга, яъни ривожланишга хизмат қилади. Бундай сиёсий ўзгаришлар сиёсий тизимнинг ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига ҳаммадан ривожланиши имконини беради. Шу жиҳатдан, инсон, ижтимоий гуруҳлар, партиялар, ҳаракатлар, давлат ва бошқа сиёсий институтларнинг қолган дунё билан биргаликда, ўзаро боғлиқ ҳолда, уларнинг ўрни ва роли, ўзаро фаолият кўрсатишини кўриб чиқиш сиёсий тизимнинг социологик-фалсафий таҳлилин ташкил қилади. Бундай таҳлил ҳудудий сиёсий тизимларнинг шаклланиши, фаолият кўрсатишини объектив ўрганишга ва, натижада, уни мунтазам такомиллаштириб боришга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, миллий сиёсий макон турли даражадаги ҳудудий сиёсий тизимлардан иборат бўлади. Ўзбекистон сиёсий тизими Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман, шаҳар ҳамда шаҳарча ва қишлоқ ҳудудий сиёсий тизимларидан иборатлиги, уларни сиёсат субъекти сифатида тан олиш умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришишнинг сиёсий жараён сифатида ўрганиш ҳамда самарали тартибга солиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Санистебан Л.С. Основы политической науки. / Перевод с испанского В.Л. Заболотного. - М.: МП «Владан», 1992. С. 115.
2. Институты самоуправления: историко-правовое исследование / В.Г. Графский, Н.Н. Ефремова, В.И. Карпец и др. - М., 1995. -С. 295-296.
3. Баймуратов М.А., Косей В.С. Международное сотрудничество органов местного самоуправления Украины: концептуальные основы, инновационная деятельность. – Одесса, 1998. С. 14-15.
4. Изард У. Методы регионального анализа: введение в науку о регионах. М., 1966; Гладкий Ю.Н., Чистобаев А.И. Основы региональной политики. СПб., 1998; Медведев Н.П. Политическая регионалистика. М., 2002. ва бошқ.
5. Жўраев Т. Давр парадокси ёхуд бепарволик оқибати // Жамият ва бошқарув, 2007/2. 11-12-б.
6. Грачев М.Н., Ирхин Ю.В. Актуальные проблемы политической науки: Коллективная монография. – М.: Экономическая демократия, 1996. С. 31.
7. Хайдаров А.А., Тулаганова Н.У., Гафуров С.М. Основы политологии. – Т.: Изд-во ТашГИВ, 2003. С. 93.
8. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафқуралар, маданиятлар. – Т.: Шарқ, 1998. 25-б.
9. Мусаев Ф. Фуқаролик жамияти ва миллий демократик тараккиёт // Жамият ва бошқарув, 3/2007. 18-19-б.

10. Шаран П. Сравнительная политология. М., 1992. С. 53.
11. Нишанов Н.М., Джавакова К.В. Политология. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2005. С. 86.
12. Қаранг: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию:– 3-е изд., перераб. И доп. – М.: Аспект Пресс, 2000. С. 15.
13. Сунгурова.Публичная политика и экспертиза // <http://www.pchela.ru/podshiv/45/public.htm>
14. Elaboration, optimisation et évaluation de politiques publiques // <http://www.orga.setec.fr/index.php?page=29> ва б.
15. Ледаев В.Г. Власть: концептуальный анализ. – М.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 2001. С. 332.
16. Носирхўжаев С., Зарипов М., Фафуров С. Сиёсатшунослик. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2003. 77-б.
17. Ирхин Ю. В., Зотов В. Д., Зотова Л. В. Политология: Учебник – М.: Юристъ, 2002. С. 370.
18. Баранов Н. А. Политические отношения и политический процесс в современной России: Курс лекций. В 3-х ч. СПб.: БГТУ, 2004. / <http://nicbar.narod.ru/Spetskurs.htm> (<http://nicbar.narod.ru/>). С. 7.